

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

ФАЙЗИЕВ ФАРРУХ АБДУЛЛАХОЖАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ
КЕНГАЙТИРИШДА БИРИКТИРИЛГАН СОЛИҚЛАР РОЛИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришда бириктирилган
солиқлар ролини ошириш масалалари..... 3

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Вопросы повышения роли прикрепленных налогов в расширении
доходной базы местных бюджетов..... 27

Fayziev Farrukh Abdullakhojaevich

Issues of raising the role of attached taxes in expanding the revenue base of
local budgets..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

ФАЙЗИЕВ ФАРРУХ АБДУЛЛАХОЖАЕВИЧ

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ
КЕНГАЙТИРИШДА БИРИКТИРИЛГАН СОЛИҚЛАР РОЛИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси нивуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1233 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsuie.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Раҳмонов Давлатжон Алмаджанович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Гадоев Эркин Файзиевич иқтисодиёт фанлари номзоди
Етабчи ташкилот:	Г.В.Плеханова номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали

Диссертация химоҳси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.116.01 № рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 27 » декабрь оят 11 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (0 371) 232-64-21; факс: (0 371) 239-41-23, info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100066 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (0371) 232-64-21; факс: (0 371) 239-41-23, info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 14 » декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 14 » декабрь даги № 40 рақамли регистр буйиномаси).



Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Берахиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К.Худайкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда давлат бюджети ва унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган маҳаллий бюджетлар ва уларнинг даромадлари манбаи масалаларига доимий равишда катта эътибор бериб келинмоқда. Жаҳон солиқ тизими амалиётида мулк соликлар дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида амал қилсада, лекин уларнинг бюджет даромадлари таркибидаги салмоғи турли хил. Кўпчилик давлатларда кўчмас мулк солиғи жами бюджет даромадларининг 1-3 фоизини, жумладан «Францияда-2,17%, Германияда-1,06% ва Швецияда-0,89%ни ташкил этса, Буюк Британияда-10,0%, АҚШда-9,0%ни ташкил этади. Эътиборли томони шундаки, мулк соликлар ушбу давлатлар маҳаллий бюджетларининг ҳам асосий қисмини жумладан Канадада-40,0%, Буюк Британияда-30,0%, Францияда-20,0%ни ташкил қилади»¹. Бошқа бир қатор мамлакатларда кўчмас мулк солиғини жорий этиш масаласига эътибор қаратилиб, солиқ қонунчилиги меъёрларига ўзгартиришлар киритиб борилмоқда. Мулк соликлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаи бўлган бир шароитда айрим мамлакатларда «(Франция, Швеция, АҚШ) кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш масалаларига, баъзи мамлакатларда (Германия, Канада, Нидерландия, Данияда)»² эса ер майдонларини солиққа тортиш масалаларига бағишлаган тадқиқотлар олиб боришга кўпроқ устуворлик берилмоқда.

Жаҳонда кўчмас мулк солиғи орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришга кўп эътибор қаратилмоқда. Кўчмас мулкларни солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш орқали бюджет даромадларини ошириш ва унинг шаффофлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра, бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг юқори бюджетга қарамлигини камайтириш, солиқ солиш мақсадларида кўчмас мулкларнинг бозор қийматини белгилаш механизмини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетга бириктирилган соликлар орқали хуудларнинг даромадлари базасини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш йўналишларида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари шаффофлигини таъминлаш, маҳаллий соликларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш, кўчмас мулкларни солиққа тортишда ўзига хос эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд. Улар бўйича қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим: солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги, солиқ солиш мақсадларида кўчмас мулкларнинг бозор қийматини белгилаш механизми ва услуги йўқлиги, солиқ тўловчилар

¹ С.В.Балашко. Налог на недвижимость: опыт зарубежных стран Налогообложение имущества в зарубежных странах [studme.org ekonomika nalogooblozhenie_imusches](https://studme.org/1317020420957/ekonomika/nalogooblozhenie_imusches) https://studme.org/1317020420957/ekonomika/nalogooblozhenie_imusches

² Кунди В.А., Иванова Ю.Н. «Земельное налогообложение США и стран ЕС.» «Экономика и бизнес»

томонидан солиқ мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаслиги, маҳаллий солиқлар ўз вақтида тўланмаслиги ва солиқ қарздорлигини кўпайиши маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, мол-мулк ва ер солиғини унификация қилиб ўрнига босқичма-босқич кўчмас-мулк солиғини жорий этиш, солиқ маъмуриятчилиги тизимида маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмига замонавий ахборот технологияларини қўллаш каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади. 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”³ги фармонида «Ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ресурслари фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш»³каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ҳамда солиққа тортишга оид муаммолар классик иқтисодчи олимлардан А. Смит, Д. Рикардо, У. Петти, А. Лаффер, шунингдек ҳозирги замон олимларидан И.М. Александров, А.В. Брызгалин, В.Г. Князев, В.Г. Пансков, А.Б. Паскачев, И.М. Майбуров, Н.В. Миляков, Д.Г.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида» Фармони.

Черникларнинг⁴ илмий асарларида тадқиқ этилган. Бюджет даромадларини шаклланиши ва солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш муаммоларини маҳаллий иқтисодчи олимлар О.Қ. Абдурахмонов, М.А. Альмардонов, Э.Ф. Гадоев, У.В. Гафуров, А.С. Жўраев, Т.С. Маликов, С.У. Меҳмонов, О.О. Олимжонов, Н.Х. Ҳайдаров, Б.Э. Тошмуродова, Ш.А. Тошматов, З.Н. Қурбонов, Н.Р. Қўзиева, И.М. Ниязметов ишларида, Н.Х. Жумаев ва Д.А. Рахмоновлар илмий ишларда давлат карзи юзага келишида иқтисодий инкирозларнинг таъсири ва уни юмшатиш йўналишлари, С.К. Худойкулов томонидан маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг назарий-методологик асослари ўрганилган⁵. Профессор А.С. Жўраев давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари, иқтисодчилар А.Б. Маманазаров маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш, Ж.Т. Есмурзаев иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш, А.Х. Исламкулов бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш, А.Б. Хайриддинов маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари, Х.А. Қурбонов бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Б.О. Абибуллаев бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари, А.Т. Суванов маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари, Ҳ.А. Қобулов ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари, З.И. Рўзиев

⁴ Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. М.: 1962. - 408 с.; Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения, том I. - М.: Государственное издательство политической литературы, 1955.-360 с.; Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник.- 7-е. изд., перераб. и доп. - Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», - М.: 2007. - 314 с.; Пансков В.Г., Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов.- М.: МЦФЭР, 2003.- 336 с.; 165.; Паскачев А.Б. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и тактика. - М.: Изд. Экономико-правовой литературы, 2004. - 232 с.; Майбуров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.- 655 с.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. Инфра-М, - М.: 2007. - 507 с.; 155.; Брызгалин А.В. Правовое регулирование порядка установления и взимания местных налогов и сборов//Финансы. - 1996. - № 1. - С. 30.с.

⁵ Абдурахманов О.Қ. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: ДЖҚА; Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. - Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.; Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: Дарслик.ТМИ. - Т.: Ношир, 2011. - 712 б. Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик -Т.: Ўзбекистон, 2013. - 281 б.; Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. - Т.: Фан ва технология, 2003.- 156 б.; Меҳмонов С.У ва бошқ. Бюджет тизими. Дарслик. - Т.: Иқтисод-молия, 2018. - 544 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т., 2017. 72 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.- Т.: 2008. -38 б.; Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Т.: 2007. - 32 б.; Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф.-Т.: 2019. - 72 б.; Жумаев Н., Рахмонов Д. Жаҳон иқтисодиётининг янги инкирози - иқтисодий харакатсизлик. Электрон манба.: <https://review.uz/oz/exg>; Худойкулов С.К. Совершенствование методологии прогнозирования налоговых поступлений// Автореферат диссертации доктора экономических наук ((DSc) по специальности 08.00.07. - Финансы, денежное обращение и кредит. Ташкент, 2019;

маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этишган⁶.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига қарамасдан, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалаларини мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, кўчмас мулкларни солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институти илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида «Рақамли иқтисодий шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» мавзусига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришда бириктирилган солиқлар ролини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий бюджет даромадлари таркиби, шаклланиш манбалари ва уларнинг иқтисодий моҳияти сабабларини ўрганиш ва тегишли хулосалар бериш;

маҳаллий бюджет даромадлари манбаларининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

маҳаллий бюджет даромадларини оширишда кўчмас мулк солиғи ва бошқа йиғимларни жорий этишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкларни баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш;

маҳаллий бюджет даромадлари таркибидаги бириктирилган солиқларнинг амалдаги ҳолатига баҳо бериш;

кўчмас мулкни солиққа тортишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш;

⁶ Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: ДЖҚА, 2005. – 38 б.; Исламкулов А.К. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш.. И.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Автореферати 2019 йил 72 б.; Жубаев.С Проблемы формирования местных бюджетов. Автореферат дисс. ...канд. экон. наук. Ташкент, БФА, 2004.–20 С.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2002. – 21 б.; Суванов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2005. – 18 б.; Есмурзаев Ж. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2007. – 20 б.; 7. Абибуллаев Б.О. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. - Тошкент, БМА, 2009. – 22 б.; Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Тошкент: БМА, 2010. - 21 б. Қобулов Х.А. Худудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Тошкент: БМА, 2006. - 21 б.

маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтиришнинг амалдаги ҳолати бўйича мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий бюджет даромадлари таркибидаги бириктирилган солиқлар ва уларнинг ҳисоблаш механизми олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий бюджетга бириктирилган солиқларни ундириш ва кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий, мантикий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахслар ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларда жойлашган жойига қараб 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни киритиш ҳуқуқини бериш таклиф этилган;

мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича ваколат бериш таклиф этилган;

кўп квартирали уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектига киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар томонидан ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, ер участкаларининг томорқа қисмидан самарали фойдаланилмаганлиги, ободонлаштирилмаганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини экмаганлик учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича оширилган ставкаларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари, самолётларнинг учиш-қўниш майдонларини юридик шахсларнинг мол-мулки ва ер солиғи солинадиган солиқ объектларига киритиш ва уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш таклиф этилган;

солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкларни бозор баҳосини белгилаш методикасини жорий этиш ва инфляция суръатини ҳисобга олган ҳолда ҳар уч йилда қайта баҳолаш тизимини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

илфор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида кўчмас мулкларни бозор қийматидан келиб чиқиб солиққа тортиш натижасида кўчмас мулклардан самарали фойдаланиш таклифи асосланган;

маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ солиш базасини шакллантириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда солиққа тортишни соддалаштириш мақсадида, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, босқичма – босқич кўчмас мулк солиғига ўтиш таклифи ишлаб чиқилган;

кўчмас мулкларни бозор қийматиغا яқинлаштириб баҳолаш мақсадида, халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган харажат, даромад ва таққослаш услубларидан кенг фойдаланиш таклифлари асосланган;

кўчмас мулк объектларини тўлиқ ҳисобини олиш ва ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришда солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илфор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги маълумотлари, солиқ қонунчилигини тар-тибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмаларидан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва солиқ тизимиغا оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантириш, маҳаллий солиқларни ундириш ва кўчмас мулкларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ қонунчилиги ва бюджет-солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришда бириктирилган солиқлар ролини ошириш масалалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахслар ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларда жойлашган жойига қараб 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни киритиш ҳуқуқини бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон Фармонинг биринчи бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 06/04-01-01-37/132-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ерлардан қишлоқ хўжалигидан ташқари мақсадларда фойдаланувчилар учун солиқ юкини мутаносиб тақсимлаш мақсадида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ер солиғининг мутлақ миқдорда белгиланган базавий ставкаларига оширувчи ва камайтирувчи коэффициентларни қўллаш ҳуқуқи берилган;

мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон Фармонинг еттинчи бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 06/04-01-01-37/132-сон маълумотномаси). Натижада халқаро тажриба асосида республикамизда ҳам босқичма-босқич мол-мулк ва ер солиқлари унификацияланиб, кўчмас мулк солиғи жорий этилиши белгиланган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга ваколат бериш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 99-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 06/04-01-01-37/132-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт ва унинг тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилиши натижасида 7,3 млн. фуқаро томонидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича тўланиши лозим бўлган 2 трлн.сўм (210,5 млн.доллар) жисмоний шахслар ихтиёрига қолдирилган. Шунингдек, 250 минг нафар тадбиркорлик субъектларига, шундан 83 мингта фермер хўжаликларига 400 млрд.сўмлик солиқларни кечиктириб тўлаш имкониятига эга бўлган;

кўп квартирали уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектига киритилиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан Солиқ кодексининг 419-моддасига инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-01-37/295-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга қўшимча 550224,4 млн.сўм миқдорида мол-мулк солиғи келиб тушиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 16 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 6 та илмий мақолалар, жумладан 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тайёрланган диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий бюджет даромадлари таркиби ва уларни назарий-ҳуқуқий асослари» деб номланган биринчи бобида, Маҳаллий бюджет даромадлари манбаларининг илмий назарий асослари, Маҳаллий бюджет даромадлари таркиби, шаклланиш манбалари ва уларнинг иқтисодий моҳияти, солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкларни баҳолашнинг назарий ва услубий асослари очиқ берилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Юқори бюджетдан қуйи бюджетга бериладиган субвенциялар маҳаллий бюджетнинг даромади ҳисобланади.

2017 йилда республика бюджетидан маҳаллий бюджетга субвенция оладиган вилоятлар тўрттани ташкил этиб жами 1397,1 млрд.сўмни ташкил этган. 2016 йилда дотация оладиган ҳудудлар бештани ташкил этган бўлса, 2017 йилдан Қорақолпоғистон Республикаси дотация олмайдиган бўлди.

Маълумотлардан кўринадики, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратилган субвенция миқдори 2015 йилда 2929,1 млрд. сўмни ёки 8 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилдан юқори бюджетдан маҳаллий бюджетга ажратилган трансферт миқдори 7459,3 млрд.сўм ёки 11,9 фоизни, 2019 йилда 7763,1 млрд.сўм ёки 7,5 фоиз ва 2020 йилда 5113,9 млрд.сўм ёки 4,0 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатни айрим ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг кўпайиши ҳисобига юқори бюджетдан

ажратилаётган трансферт миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади.



1-расм. Республика бюджетидан маҳаллий бюджетга ажратилган субвенция (трансферт) миқдорлари (млрд.сўм) ⁷

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришнинг назарий асослари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва улар бир неча йўналишларда таҳлил қилинди.

Россия иқтисодчиси профессор А.В. Брызгалин фикрича, маҳаллий солиқларни белгилашда солиқларни ҳисоблаш ва ундириш методологиясининг умумий тамойиллари асосида амалга ошириш лозимлиги, профессор С.Г. Пепеляев маҳаллий бюджетларнинг даромадлари қонуний, етарли даражада ва зарур миқдорда белгиланган молиявий ресурслар билан таъминланган, ҳамда ўзининг ваколатлари доирасида мустақил белгиланган даромадларига, яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шаклланиши лозимлигини таъкидлайди. Маҳаллий бюджетни даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратмалар ажратилади.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий ишларида умумдавлат солиқларининг маҳаллий бюджетларга ажратмалари нормалари, узоқ муддатли ва барқарор бўлиши зарурлиги хусусида тўхталиб ўтганлар. Маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқлардан ажратмалар нормалари муддати профессор А. Жўраев 3 йил, А. Маманазаров 5 йил ва А. Сувановлар томонидан 8 йил этиб таклиф қилишган. Фикримизча, ушбу муддатни ўрта муддатга 3 йил этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарорига асосан, Ўзбекистон иқтисодиётда биринчи бор давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича 3 йилга бюджет мўлжалларини тасдиқлаш амалиёти жорий этилди.

Маҳаллий солиқларни ҳисоблашда мулкларни баҳолаш асосий ўринга эга. Мулкларни баҳолаш жараёни олдиндан мавжуд бўлиб, илк баҳолаш

⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фаолияти Буюк Британияда IX асрнинг ўрталарида, 1861 йилда Буюк Британия кироли томонидан сюрвейрларга (ингл. surveyor - ер ўлчовчи) касбни ўзини-ўзи тартибга солиш ҳукуқи билан берилган вақтда уларнинг касби доирасида пайдо бўлди⁸. Мамлакатимизда мулкларни баҳолаш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ҳамда Давлат мулк кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган қарорлар ва миллий стандартлар асосида олиб борилади.

Профессор Р.Х. Алимов ва Б.Б. Беркиновлар мулкни баҳолашнинг хусусиятлари ва соҳани ривожлантириш ҳақида қуйидагиларни эътироф этган:

биринчидан, мулкни баҳолаш ноқонуний барча тартибсизликларга барҳам бериши, кўчар ва кўчмас мулк баҳосининг сунъий ўсишини олдини олади ҳамда бир маромда бўлишини таъминлайди;

иккинчидан, қонунда белгиланган тартибда баҳоловчи компанияларни ташкил этиб улар ўртасида соф рақобат муҳитини яратиш, эркин фаолият юритишини таъминлаш, ва қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, молиявий инқироз шароитида кўчмас мулклар баҳосининг бир маромда сақлаб турилишини таъминлаш, мулкларни баҳолашда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларни жамиятимизнинг ҳозирги мулк бозорига мувофиқлаштириш.

Иқтисодчилар Н.Ж. Тўйчиев ва А.М. Мирхошимовлар⁹ томонидан қийматни аниқлаш, фақатгина кўчмас мулк бозорига қараб эмас, балки кўрилаётган мулк қийматига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади деб айтиб ўтган. Мулкни баҳолашда юқорида айтиб ўтилган уч хил ёндашувни қўллаш айнан бир объектнинг уч хил қийматини келтириб чиқаради. Маълум объектнинг сўнгги баҳоси уч хил усулни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилгандан сўнг келтириб чиқарилади.

Иқтисодчи И.М. Ниязметов¹⁰ кўчмас мулкларни бозор қийматига яқинлаштириб баҳолаш мақсадида, халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган қуйидаги 3 та услубдан фойдаланиш зарурлиги таъкидланган:

солиштириш усули, яъни худди шундай кўчмас-мулк объектларининг реал жорий сотилиш баҳоларини ўрганиш;

даромад усули, яъни мазкур кўчмас мулкдан самарали фойдаланишдан олинishi мумкин бўлган даромадлар асосида баҳолаш;

харажат усули, яъни ушбу кўчмас-мулк мулкни амалдаги шароитда тўлиқ тиклаш учун сарфланган маблағларни ҳисоблаш таклиф этилган.

Биз ҳам иқтисодчи Ниязметовнинг фикрига қўшилган ҳолда кўчмас мулкларни баҳолашда ушбу усуллардан кенг фойдаланишни шунингдек:

солиқ солиш мақсадларида мулкларни баҳоловчи ташкилотларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш;

⁸ Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Кўчмас мулкни баҳолаш. “Фан”. Т.: 2005 й. 240 б.

⁹ Тўйчиев Н.Ж., Мирхошимов А.М., Плахтий К.А. Кўчмас мулкни баҳолаш асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Адолат, 2000, - 280 б.

¹⁰Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 72 б.

иктисодиётда молиявий инқироз ҳолатларида мулкларнинг баҳосини барқарорлигини сақлаб туриш ва мулкларни баҳолаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ҳозирги замон мулк бозорига мувофиқлаштириб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетнинг асосий манбаи бўлган жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиқларини ундиришда қуйидагича муаммолар мавжуд. Жумладан:

маҳаллий солиқлар бўйича солиқ солинадиган объектларни тўлиқ ҳисобини олиш ва ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришда солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этилмаганлиги;

ҳалқаро амалиётда кенг қўлланиладиган кўчмас мулкларнинг бозор баҳосида баҳолаш тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги;

кадастр органлари томонидан кўчмас мулкни бозор баҳосида баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги ва баҳолаш бўйича ягона методикани ишлаб чиқилмаганлиги ушбу соҳадаги ечилиши лозим бўлган асосий вазифалардан биридир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш механизми таҳлили” деб номланиб, маҳаллий бюджет даромадлари таркиби, маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини амалдаги ҳолати таҳлили, маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг таркиби¹¹

Кўрсаткичлар	Йиллар (млрд.сўм)					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Республика бюджети даромадлари	36184,9	40505,8	44469,6	62229,5	102627,6	128460,0
Республика бюджети харажатлари	37967,7	42721,3	46943,1	62170,0	107118,4	121856,4
Маҳаллий бюджет даромадлари	13394,2	18417,9	19985,7	18026,5	31083,0	30273,9
Улуши %	37%	45,4%	44,9%	28,9%	30,3%	23,6%
Маҳаллий бюджет харажатлари	16323,3	20820,9	21382,8	25485,5	38846,1	35387,8
Улуши %	45%	51,4%	48,0%	40,9%	36,2%	29,0%
Юқори бюджетдан олинган субвенция (трансферт) миқдори	2929,1	2402,9	1397,1	7459,3	7763,1	5113,9
Улуши%	8%	5,9%	3,1%	11,9%	7,5%	4,0%

¹¹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

1-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича маҳаллий бюджет даромадлари ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда 13394,2 млрд.сўмни ва 2020 йилда 30273,9 млрд.сўмни ёки 2,4 баробарга кўпайган.

Юқори бюджетдан олинган субвенция миқдорининг ошишига сабаб маҳаллий ҳокимият томонидан ҳудуднинг ижтимоий харажатларини қоплай олмаслиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Солиқ кодексининг 415-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан 2020 йил 1 январдан кўп квартирали уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектига киритилиши белгиланди¹². Бунинг натижасида бюджетга қўшимча солиқ тушумлари тушишига эришилади.

2-жадвал

Кўп квартирали уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойларидан бюджетга тушиши режалаштирилган солиқ миқдори тўғрисида маълумот¹³

№	Тошкент шаҳар туманлари номи	Жами ҳисобланган солиқ (млн. сўм)				
		Солиқ тўловчи сони	Мол-мулк қиймати	Жами қиймат суммаси	Солиқ ставка	Мулк солиғи суммаси
1	Бектемир тумани	515	42,0	216300,0	0,23%	49749,0
2	Миробод тумани	601	45,0	270450,0	0,23%	62203,0
3	Мирзо Улугбек тумани	556	48,0	266880,0	0,23%	61382,4
4	Сергели тумани	600	43,0	258000,0	0,23%	59340,0
5	Олмазор тумани	450	48,0	216000,0	0,23%	49680,0
6	Учтепа тумани	300	49,0	147000,0	0,23%	33810,0
7	Шайхонтохур тумани	412	48,0	197760,0	0,23%	45484,8
8	Яшнобод тумани	426	43,0	183180,0	0,23%	42131,4
9	Чилонзор тумани	456	46,0	209760,0	0,23%	48244,8
10	Юнусобод тумани	428	45,0	192600,0	0,23%	44298,0
11	Яккасарой тумани	545	43,0	234350,0	0,23%	53900,5
	ЖАМИ	5289	*	2392280,0	0,23%	550224,4

2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2021 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулки объектига киритилган кўп квартирали уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари сони 5289 тани, уларнинг жами мулк қиймати 2392280,0 млн.сўмни ташкил этиб ва мулк солиғи суммаси 550224,4 млн.сўм миқдорида ҳисобланган. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга қўшимча мол-мулк солиғи келиб тушиши таъминланади.

Маълумки, глобал инқироз ва пандемия тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва аҳолининг реал даромадларига ўз таъсирини кўрсатди. Инқироз ва пандемия даврида солиқ тўловчиларга қулай солиқ муҳитини яратиш ва солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида бир қанча солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилмоқда. Хусусан,

¹² Ушбу тақлиф тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-01-37/295-сон маълумотномаси.

¹³ Тошкент шаҳар Давласт солиқ бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 99-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича тўловларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш ваколати берилди¹⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-714-сон “Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Солиқ кодексининг 483-моддасига ўзгаритиришлар киритилди. Унга кўра:

2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра солиқ қарзини мажбурий равишда ундириш, шунингдек қуйидагилар бўйича пеня ҳисоблаш чоралари кўрилмаслиги белгиланди:

фаолиятни туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳасида амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;

2020 йилда ҳисобланган ва вақтинча қийинчиликлар муносабати билан юридик шахслар томонидан тўланмаган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;

2020 йил 15 майдаги ҳолатга кўра қарздорлиги мавжуд бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқлар, пенялар ва солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича.

Ушбу кўрилган чоралар солиқ тўловчиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармонида асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддатини 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилиши натижасида 7,3 млн. фуқаро томонидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича тўланиши лозим бўлган 2 трлн.сўм жисмоний шахслар ихтиёрига қолдирилган. Шунингдек, 250 минг нафар тадбиркорлик субъектларига, шундан 83 мингта фермер хўжаликларига 400 млрд.сўмлик солиқларни кечиктириб тўлаш имконияти берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 19 мартдаги ПФ-5969 ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978 Фармонларига мувофиқ, пандемия даврида солиқ муддати узайтирилган ҳамда ундирилиши тўхтатилган қарздорликлар таҳлил қилинганда, республика бўйича 3 442 та солиқ тўловчи томонидан 148,4 млрд. сўм миқдорида ер, мулк ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлаш муддатлари узайтирилган. Бунинг натижасида, 280745 та солиқ тўловчи томонидан 1343,9 млрд. сўм миқдорида солиқ қарзини ундириш тўхтатилган (3-жадвал).

¹⁴ Ушбу таклиф тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 06/04-01-01-37/132-сон маълумотномаси.

3-жадвал

**Маҳаллий бюджетга бириктирилган тўлаш муддати узайтирилган
хамда ундирилиши тўхтатилган солиқ қарздорликлари тўғрисида
маълумот¹⁵ (млрд.сўм)**

Т/р	Худудлар номи	Фармон асосида тўлаш муддати узайтирилган		Фармон асосида ҳисобдан чиқарилган		Фармон асосида солиқ қарзини ундириш тўхтатилган	
		сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
Республика бўйича		3 442	148,4	17 245	29,6	280 745	1 343,9
1	Қорақалпоғистон Республикаси	120	2,6	1 138	1,0	13 651	55,0
2	Андижон вилояти	213	11,4	382	0,2	21 891	148,0
3	Бухоро вилояти	207	4,5	751	0,3	18 161	51,5
4	Жиззах вилояти	112	2,5	1 246	0,2	15 814	63,6
5	Қашқадарё вилояти	367	12,5	2 264	1,1	24 222	211,4
6	Навоий вилояти	139	1,8	1 474	0,3	14 341	25,1
7	Наманган вилояти	106	4,3	614	0,5	16 939	52,4
8	Самарқанд вилояти	395	9,6	2 094	0,9	28 520	111,1
9	Сурхондарё вилояти	235	8,1	1 197	1,1	16 878	74,5
10	Сирдарё вилояти	82	4,4	939	0,2	10 260	53,6
11	Тошкент вилояти	379	27,0	1 548	3,7	22 591	148,4
12	Фарғона вилояти	189	6,8	1 344	1,1	25 549	99,5
13	Хоразм вилояти	353	11,6	642	0,0	13 468	44,2
14	Тошкент шаҳар	452	35,8	1 612	19,0	38 287	176,5
15	Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси	93	5,7	0	0,0	173	28,9

Бухоро вилояти Ромитан туманининг 2017-2021 йиллардаги маҳаллий бюджетга бириктирилган солиқлардан мол-мулк ва ер солиғи бўйича тушумлари таҳлил қилинди.

4-жадвал

**Ромитан туманида ер ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар тўғрисида
маълумот(млн.сўмда)**

Т/р	Солиқ тури	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил (2 чорак)
1	Мол-мулк солиғи	13 107,6	18 840,9	5 265, 064	1 837,6	2 758,192
2	Ер солиғи	4 664,9	5 406,9	9 455,2	3 548,7	5 406,395
Жами		17 772,5	24 247,8	14 720,2	5 386,4	8 164,5

Ушбу таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкинки 2017 йилда туманда бюджетга ундирилган мол-мулк ва ер солиғи суммаси 17 772,5 млн. сўмни

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969 ва ПФ-5978-сон Фармонлари асосида тўлаш муддати узайтирилган ҳамда ундирилиши тўхтатилган солиқ қарздорликлари маълумотлари Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

ташқил этган бўлса, 2018 йилда 24247,8 млн. сўмни, 2019 йилда 14720,2 млн. сўмни, 2020 йилда 5386,4 млн. сўмни, 2021 йилнинг 2-чораги бўйича 8164,5 млн. сўмни ташқил этди. Пандемия даврида солиқлардан турли хилдаги имтиёзларнинг берилиши солиқ тушумларининг пасайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар томонидан ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштирмаганлиги ер участкаларининг томорқа қисмидан самарали фойдаланилмаганлиги ёки қишлоқ хўжалиги экинларини экмаганлик учун жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича оширилган ставкалар қўлланилиши белгиланган¹⁶.

5-жадвал

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланган жисмоний шахслар тўғрисида умумий маълумот (млн.сўм)¹⁷

№	Худуд номи	Кадастр дастурий маҳсулига эгаллик ҳуқуқисиз киритилган объектлар		мазкур объектларни ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар					
				Ҳақиқатда ҳуқуқий ҳужжати мавжуд бўлмаган объектлар		Ер ажратиш ҳақида ҳужжат мавжуд, лекин давлат рўйхатидан ўтказилмаган		мазкур объектларга қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	
				сони	ер май-дони (га)	сони	ер май-дони (га)	сони	ер май-дони (га)
1	Андижон вилояти	253 379	24 246	12 437	1 084	201 021	18 991	213 605	53 417,2
2	Бухоро вилояти	265 492	4 157	205 477	32 433	0	0	206 442	70 948,2
3	Жиззах вилояти	1 571	2 114	429	666	764	1 165	1 123	367,4
4	Қашқадарё вилояти	517 792	114 352	438 290	103791	14 506	2 371	455 312	140383,7
5	Навоий вилояти	34 161	4 834	1 319	155	18 925	3 591	20 438	3 610,3
6	Наманган вилояти	314 606	33 139	265 838	26 910	18 988	2 265	286 270	84 175,1
7	Самарқанд вилояти	462 558	87 223	364 066	70 960	76 600	14 626	440 904	141205,9
8	Сурхондарё вилояти	339 557	66 474	311 409	62 024	14 429	2 765	328 208	124819,0
9	Сирдарё вилояти	36 679	7 507	20 880	3 291	12 296	1 881	35 799	12 166,3
10	Тошкент вилояти	117 846	14 268	75 070	9 762	0	0	79 365	27 359,7
11	Фарғона вилояти	191 630	24 628	2 044	173	121 078	15 397	123962	38 000,2
12	Хоразм вилояти	144 725	17 157	26 462	3 042	93 467	11 895	120622	32 003,2
13	Қорақалпоғистон Республикаси	65 714	13 134	52 080	12 455	82	19	52 212	21 982,6
	Жами	2 745 710	413 233	1 775801	326 746	572 156	74 966	2 364 62	750439,8

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 06/04-01-01-37/132-сон маълумотномаси.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

5-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2020 йилда республикада ҳақиқатда ҳужжати мавжуд бўлмаган объектлар сони 1775801 тани ташкил этиб, эгаллаган ер майдони 326745 га ташкил этган. Шунингдек, ер ажратиш ҳақида ҳужжати мавжуд бўлган лекин давлат рўйхатидан ўтказилмаган объектлар сони 572156 тани ва эгаллаган ер майдони 74966 гани ташкил этмоқда. Бунинг натижасида жами 2364172 та ер объектига нисбатан бюджетга қўшимча 750438,9 млн.сўм солиқ ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 415 ва 419-моддаларига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, юридик шахсларнинг умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларини юридик шахсларнинг мол-мулкига ва ер солиғига солинадиган солиқ объектига киритилиб уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш белгиланган¹⁸

6-жадвал

Пасайтирилган солиқ ставкаларини қўлловчи корхоналарга ҳисобланган солиқ суммалари бўйича солиштирма маълумот

№	Вазирлик номи	Объект номи	солиқ ҳисоботи бўйича			
			ер майдони (гектарда)		ҳисобланган солиқ суммаси	
			2020	2021	2020	2021
	Жами:		32 091,5	32 314,5	33 149,5	112 634,4
1	“O‘zbekiston temir yo‘lari” акциядорлик жамияти	Темир йўл объектилари	26 766,4	25 288,1	27 929,1	98 565,8
2	Ўзбекистон Энергетика вазирлиги	Магистрал қувурлар	2 733,3	553,4	1 034,1	2 012,3
		Энергетика объектилари	2 118,4	1 813,4	3 320,7	8 576,2
3	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Алоқа объектилари	473,4	484,0	865,6	3 480,1


6-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2020 йилда жами ер майдони 32 091,5 гектарни ташкил этиб ҳисобланган солиқ суммаси 33 149,5 млн.сўмни ташкил этган. 2021 йилда жами ер майдони 32 314,5

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-01-37/295-сон маълумотномаси.

гектарни ташкил этиб жами ҳисобланган солиқ суммаси 112 634,4 млн.сўмни ташкил этмоқда.

Хулоса қилганда, юридик шахсларнинг алоқа ва электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари, умумий фойдаланишдаги темир йўлларга ер солиғининг пасайтирилган солиқ ставкасини қўлланиши натижасида бюджетга тушумлар ортишига эришилган.

